Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 43 (328) • 2011 йил 25 октябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА КЕНГ ЙЎЛ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун, моҳияти» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***



Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассислари, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Ҳунарманд» уюшмаси вакиллари, Қўмитанинг жамоатчилик экспертлар гуруҳининг аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида «Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди» дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011йил 29 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Семинарда таъкидланганидек, оилавий тадбиркорлик бизнеснинг энг қадимий ва етакчи шакли бўлиб, кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг 70 фоизини таъминлайди ҳамда иш ўринлари ташкил этишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборат.Чунки мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, қонун лойиҳаси оилавий корхоналар деб аталадиган хўжалик фаолиятнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш ва уларнинг фаолият соҳаларини белгилашга; оилавий корхона иштирокчиларини аниқ таърифлашга; оилавий корхоналарни рўйхатга олиш ва тугатишнинг аниқ механизмини белгилашга; оилавий корхонанинг инфратузилмага уланиши механизмини соддалаштиришга; оилавий корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартибини соддалаштиришга қаратилгандир.

Семинар иштирокчилари «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини батафсил муҳокама этиб, ўзларининг фикр, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, йиғилиш якунида, иштирокчилар томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

***www.parliament.gov.uz материали асосида тайёрланди.***

## ПЛАСТИК КАРТОЧКА НАЙРАНГБОЗЛАРИ

***Ахборот технологиялари даври кириб келиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сифат жиҳатидан ўзгаришларни бошлаб бермоқда. Бироқ бу жараёнда ўзига хос муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқа бошлади. Қизиғи, бу муаммолардан қочиб қутулиб бўлмайди, уларни фақат ҳал этиш керак. Масалан, ҳаётда бухгалтерия ҳисобидаги «адашишлар» ва қимматли қоғозлар билан бўладиган фирибгарликлар батамом бартараф этилмаган.***

***Турмушимизга янги технологияларнинг кириб келиши, умумий компьютерлаштириш ва Интернет туфайли бу соҳадаги кирдикорларнинг овозаси бутун дунёга ёйилиб кетди. Жиноятчилик фаолиятининг кўринишлари ҳам кенгайди, ҳам ранг-баранглашди.***

***Бугунги кунда хакер кимлигини ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Бу компьютер қулфбузари ташқаридан туриб ҳаракат қилади, шунинг учун унга қарши барча ҳимояланиш чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилади. Лекин хакер компания ичидан чиқсачи, тамом деяверинг – ўзингдан чиққан балога қайга борай давога! Бу ҳолда ҳеч қандай ички хавфсизлик тизими ҳам ёрдам бера олмайди. Зеро, одатда, ички душман компанияга салмоқли моддий зарар етказиб бўлган ва унинг обрў-нуфузига доғ тушиб бўлгандан кейин фош этилади-да. Яқиндагина дунёдаги энг йирик банклардан бири ҳисобланган Швейцариянинг UBS банки ана шундай можаро марказида туриб қолди – унинг трейдери биржадаги чайқовчилик савдоларида ютқазиб қўйиб, банкка қарийб 3 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар етказган. Ваҳоланки, бу нарса шунга ўхшаш илк ҳодиса эмас. Худди шундай бошқа бир муттаҳам Англиянинг энг биринчи банкларидан бирини қашшоққа айлантирган.***

6-бетда

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### ҚАМОҚДА САҚЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакат парламенти томонидан илгари қабул қилинган ва маъқулланган **2011 йил 29 сентябрдаги «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-298-сон Қонун Президент томонидан имзоланди**.

Ҳужжат жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган ҳамда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тартиби ва шартлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини белгилайди.

Қамоқда сақлаш қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси принциплари асосида амалга оширилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар уларнинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши белгиланган.

Қонунга биноан, **ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни** жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига кўра **камситишга йўл қўйилмайди**. Шунингдек, **ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан** қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи **тазйиқлар қўлланилишига йўл қўйилмайди**.

Қонунда ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни сақлаш жойлари, ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари, **ҳомиладор аёллар, 2 ёшгача болалари бўлган аёллар ҳамда вояга етмаганларни қамоқда сақлашнинг хусусиятлари** белгиланган.

Қонунда ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларга қуйидаги ҳуқуқлар ҳам берилган: шахсий хавфсизлик; ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш; қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидаги қонун ҳужжатлари, адабиётлар ва даврий матбуот нашрларидан фойдаланиш ҳамда мустақил таълим олиш билан шуғулланиш; агар ички тартиб қоидаларини, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, қамоқда сақлаш жойи хоналарида диний расм-русумларни адо этиш, қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидаги диний адабиётлардан фойдаланиш, диний ибодат нарсаларидан фойдаланиш; пул жўнатмаларини олиш; оилавий муносабатларда иштирок этиш.

Энди ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган **камералар вентиляция жиҳозларига ҳамда иситиш тизимига, шунингдек кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлади**. Камераларнинг деразалари сунъий вентиляция тизими мавжудлигидан қатъи назар, **тоза ҳаво киришини таъминлаши** лозим.

Шунингдек, ҳужжатда рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳамда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш масалалари назарда тутилган.

NORMA
www.norma.uz

**Қонун 2011 йил 5 октябрдан «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.**

### КРЕДИТ ТАРИХЛАРИ БЮРОСИ

Мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган ва маъқулланган **2011 йил 4 октябрдаги «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги ЎРҚ-301-сон Қонун Президент томонидан имзоланди.** Қонунга мувофиқ, кредит ахбороти алмашинуви ушбу мақсадлар учун ташкил этиладиган махсус кредит бюролари томонидан амалга оширилади. **Кредит бюроларини давлат рўйхатидан**

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-3-бетлар — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
4-5-бетлар — Ноябрда кимлар текширилади?
1, 6-бетлар — Пластик карточка билан «пластик операциялар»
7-8-бетлар — Реклама ва эълонлар

$1 = 1757,83 сўм | €1 = 2401,98 сўм | £1 = 2776,67 сўм | ¥10 = 227,70 сўм

1-бетда

**ўтказиш** ва улар фаолиятини амалга ошириш учун **лицензия бериш ваколати Марказий банкка** берилди. Ҳужжатда рўйхатдан ўтказиш тартиби, бунинг учун зарур ҳужжатлар рўйхати, рўйхатдан ўтказишни рад қилиш асослари, лицензия бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби ва бошқа масалалар назарда тутилган.

Кредит ахбороти алмашинуви ушбу **ахборотнинг уни етказиб берувчилар** *(юридик шахсларни, якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни ва унга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, солиқ органлари, ички ишлар органлари, нотариал идоралар, лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни берувчи органлар ҳамда бошқа органлар)* томонидан кредит бюроларига, қоида тариқасида, **электрон шаклда** тақдим этилиши орқали амалга оширилади.



Ахборот етказиб берувчилар кредит ахбороти фойдаланувчиларига *(кредит битими бўйича кредитор, лизинг берувчи, гаровга олувчи ёки суғурта қилдирувчи сифатида иштирок этувчи юридик ёки жисмоний шахсга)* **кредит ҳисоботини кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида** тақдим этади. Кредит ташкилотлари ўзларида мавжуд кредит ахборотини **Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига** тақдим этиши шарт.

Кредит ахбороти **кредит бюроларига кредит ахбороти субъектининг розилигисиз** тақдим этилиши белгиланган. Бундан ташқари, кредит бюролари **кредит ахбороти субъектининг розилигисиз ўзаро кредит ахборотини алмашиши** мумкин.

Кредит ахборотини кредит бюроларига тақдим этиш **тижорат, банк сирининг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг бузилиши деб ҳисобланмайди.**

Шу билан бирга, кредит бюроси кредит ҳисоботини кредит ахборотидан фойдаланувчига **фақат кредит ахбороти субъектининг розилиги билан** тақдим этади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

Ҳужжатда бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

**Қонун 2012 йил 1 январдан кучга киради.**

## ИЧИШ ВА ЧЕКИШ ЧЕКЛАНАДИ

**2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-302-сон Қонун билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва давлат кафолатлари белгилаб берилди.**

Ушбу соҳада Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланди. Ҳужжатда шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги иштироки назарда тутилган.

Қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, реклама қилиш бўйича фаолият билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Чунончи, алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғида ва тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) асосий юзасининг **камида 40%ини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм** *(тамаки маҳсулоти учун – қутининг олд томонида ва камида 40% орқа томонида)* тарзидаги **тиббий огоҳлантириш** бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) инсон соғлиғига етказиладиган зарарни камайтириб кўрсатувчи, тамаки маҳсулотининг хусусияти ҳақида зарарсиз маҳсулот сифатида ёки тамаки маҳсулотининг бошқа намуналарига қараганда зарари камроқ эканлиги тўғрисида ёлғон таассурот уйғотадиган ахборот жойлаштирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

**Энди алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қуйидаги ҳолларда реализация қилинмаслиги керак:**

20 ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан 500 метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан;

улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса;

акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки акциз маркалари қалбаки бўлганда;

уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса;

доналаб, қутисиз (ўровсиз) — тамаки маҳсулотига нисбатан;

уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса;

уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан олинган бўлса.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш бошқа ҳолларда ҳам чекланиши мумкин.

**Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда** уларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек уларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги **огоҳлантирувчи ёзув** жойлаштирилиши керак. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи шахслар мазкур маҳсулотларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун жавобгар бўлади.

Шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни реклама қилиш ҳамда тарғиб этиш, яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадиий образларни **ошкора ёки яширин шаклда** тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

Ҳужжатга кўра, **алкоголь маҳсулотини** иш жойлари, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, жамоат транспортининг барча турлари ва бошқа жамоат жойларида *(алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилиш рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойлардан ташқари)*, **тамаки маҳсулотини** эса иш жойлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасалари, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойлар (шу жумладан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари), жамоат транспортининг барча турлари ва бошқа жамоат жойларида *(тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлардан ташқари)* **истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.**

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб 6 ой ўтгандан сўнг – 2012 йил 6 апрелдан кучга киради.**

## ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

«Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан **2011 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-299-сон Қонун асосида Жиноят-процессуал, Оила ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексидан процессуал мажбурлашни ижро этиш жойлари маъмуриятининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг моддий жавобгарлигини, улар томонидан ушланган шахсларни сақлаш жойларида тартибнинг ва хавфсизлик чораларининг таъминланишини, шунингдек ушланган шахслар ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг аризалари ва шикоятларини юбориш тартибини тартибга солувчи меъёрлар чиқариб ташланди.

Энди милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими **шахс ушланганда** амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб **12 соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши** шарт.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

**Қонун 2011 йил 5 октябрдан, «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.**

* * *

**2011 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-300-сон Қонун билан «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ, ҳужжатда назарда тутилган турли таомилларни ўтказиш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди.

Чунончи, **кредиторлар йиғилиши баённомаси** ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар энди хўжалик судига кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб **2 кундан** *(илгари – 5 кундан)* **кечиктирмай** берилиши керак.

**Кредиторларнинг биринчи йиғилиши** қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги хўжалик суди ажримида белгиланган хўжалик суди мажлисини ўтказиш санасигача қолган **5 кундан кечиктирмай** ўтказилиши лозим.

Энди хўжалик суди томонидан **банкротлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилишининг энг кўп муддати** қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги суд ажрими чиқарилган кундан бошлаб **2 ойни** *(илгари – 3 ойни)* ташкил этади.

Хўжалик судининг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида, банкротлик ҳақидаги иш бўйича ишни юритишни тугатиш тўғрисида, суд бошқарувчисини тайинлаш, ўзгартириш ёки вазифасидан озод этиш тўғрисида, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни очиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисида чиқарилган ажримлари ҳақидаги маълумотлар, кўрсатилган ҳужжатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар энди улар олинган пайтдан бошлаб **7 кун** *(илгари – 10 кун)* **давомида** эълон қилинади.

Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш давомида берилган **суд бошқарувчисининг аризалари** (шу жумладан, у ва кредиторлар ўртасидаги, у ва қарздорлар ўртасидаги келишмовчиликлар тўғрисидаги аризалари), қолаверса **кредиторларнинг уларнинг**

## УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Оилавий бизнесга кенг йўл
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-3-бетлар*
✓ **НАЗОРАТ**
– 2011 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали *4-5-бетлар*
✓ **СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**
– Пластик карточка найрангбозлари *1, 6-бетлар*
✓ **РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР** *7-8-бетлар*

**МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ**

| *Мамлакат* | *Сана* | *АҚШ доллари* | | *Евро* | | *Россия рубли* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* |
| Озарбайжон | 20.10.2011 | 1 | 0,787 | 1 | 1,0804 | 1 | 0,0253 |
| Арманистон | 20.10.2011 | 1 | 377,91 | 1 | 518,72 | 1 | 12,03 |
| Беларусь | 21.10.2011 | 1 | 8680,00 | 1 | 11900 | 1 | 277,00 |
| Грузия | 20.10.2011 | 1 | 1,6617 | 1 | 2,2995 | 1 | 5,3732 |
| Қозоғистон | 21.10.2011 | 1 | 147,92 | 1 | 203,02 | 1 | 4,71 |
| Қирғизистон | 21.10.2011 | 1 | 45,2864 | 1 | 62,2627 | 1 | 1,4558 |
| Латвия | 21.10.2011 | 1 | 0,513 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0164 |
| Литва | 21.10.2011 | 1 | 2,519 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,0317 |
| Молдова | 20.10.2011 | 1 | 11,6234 | 1 | 16,0955 | 1 | 0,3758 |
| Тожикистон | 21.10.2011 | 1 | 4,7527 | 1 | 6,5678 | 1 | 0,1529 |
| Ўзбекистон | 18.10.2011 | 1 | 1757,83 | 1 | 2401,98 | 1 | 56,72 |
| Украина | 20.10.2011 | 100 | 797,57 | 100 | 1102,8798 | 10 | 2,579 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги шикоятлари** энди хўжалик суди мажлисида кўрсатилган аризалар ва шикоятлар олинган кундан бошлаб кўпи билан **15 кун** *(илгари – 1 ой)* **ичида** кўриб чиқилади.

Энди такрорий ким ошди савдосини ўтказиш мақсадида ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ **корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни** амалга ошмаган деб топилган ёки корхона (бизнес) сотилмаган ким ошди савдосининг санасидан эътиборан **15 кун ичида** *(илгари – 20 кун)* эълон қилади. Бунда ким ошди савдоси хабар эълон қилинган санадан камида **15 кунлик муддат ўтгач**, ўтказилади.

Хўжалик суди **қарздорнинг фаолияти хусусиятидан** келиб чиқиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида кредиторлар йиғилишининг ва (ёки) тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг илтимосномасига кўра **қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритиш ўтказилишини** кўрсатиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш ёки тугатишга доир иш юритишни очиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан бошлаб кредиторларнинг талабларини тақдим этиши учун белгиланган муддат **2 ойдан 1 ойгача** қисқартирилди.

Хўжжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**Қонун 2011 йил 6 октябрдан, «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.**

* * *

**Адлия вазирининг буйруғи (*АВ томонидан 2011 йил 3 октябрда 2090-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга биноан, дипломатик ваколатхонани ва ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштириш учун кўчмас мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ҳақидаги битимларни нотариал тасдиқлашда дипломатик ваколатхона кўчмас мулкни сотиб олиш ёки ижарага олиш нияти тўғрисида **Ташқи ишлар вазирлигини олдиндан хабардор қилганлигини тасдиқловчи ҳужжат**, дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар ваколатхоналарига ҳамда уларнинг ходимларига, оила аъзоларига тегишли «CMD», «D», «UN», «T», «X», «M» сериядаги давлат рақамларига эга бўлган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни, автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ишончномаларини тасдиқлашда эса **Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат** талаб қилинади.

**2011 йил 13 октябрдан кучга кирди.**

## ЯККА ТАДБИРДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 июндаги 170-сон қарори билан Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига (*ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон билан қарори тасдиқланган*) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Эслатиб ўтамиз, якка тартибдаги тадбиркорлар учун Рўйхатдаги 6 та фаолият тури аниқлаштирилган ва унга 8 та янги фаолият турлари киритилган. *Ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида батафсил «Хусусий тадбиркорлар фаолияти турлари кенгайди» шарҳида ўқинг («Норма маслаҳатчи» 25 (310) – сон, 2011 йил 21 июнь).*

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ДОИРАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 октябрдаги 273-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази энди Ахборот ва коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссиясининг **ишчи органи функцияларини**, Марказ бошлиғи эса ушбу **Комиссия котиби функцияларини** ҳам бажаради. Бундан ташқари, Марказ мониторинг натижаларини (зарур ҳолларда қўшимча ахборот-таҳлилий материаллари) ўз вақтида тайёрлаши ҳамда Комиссия мажлисларида кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар тайёрлаш учун киритиши лозим. Ҳуқуқ бузилишларининг айрим ҳолатлари бўйича эксперт хулосаси олиш зарурияти бўлганда Комиссия мониторинг материаллари олинган санадан бошлаб **30 кундан кечикмай** уларни экспертизадан ўтказади, ўз хулосаларини тайёрлайди ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига юборади.

## ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ТЕСТ СИНОВЛАРИ

**Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест марказининг биргаликдаги қарори (*АВ томонидан 2011 йил 30 сентябрда 2271-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Низом транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат таълим муассасалари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Тошшаҳартрансхизмат» ва «Transkasb» уюшмалари, Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятига татбиқ этилади.



Ҳужжатда тест саволлари ва жавобларига талаблар мавжуд. Чунончи, ҳар бир ўргенилаётган фан бўйича **3 тадан 5 тагача тест саволлари** тузилиши лозим. Тест саволларига жавоблар **мураккаблик даражалари бўйича учта тоифага бўлиниши, мазмунан бир-бирига яқин бўлиши**, муқобил жавобларидаги **жумлалар сони ва ҳажми эса бир-биридан кескин фарқ қилмаслиги** керак.

Ўқувчилар билимини баҳолаш **жорий, оралиқ ва якуний назорат** кўринишида тестлар, оғзаки сўровлар ҳамда ёзма ишлар шаклида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг билими **5 баллик тизимда**, бутун сонлар ёрдамида баҳоланади. Ўқувчи ҳар бир назорат туридан **камида 55% балл** тўплаши лозим. 55% дан кам балл тўплаган ўқувчи якуний тест синовлари (ички имтиҳон)ни топширмаган ҳисобланади ва қайта топширишга **камида 5 кундан сўнг** қўйилади.

Низомда ўрнатилган тартибга мувофиқ, ўтказилган **тест синовлари натижалари бўйича ўқувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун комиссия** ташкил этилиб, у аризаларни **тест жавоблари эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида ариза ёзган ўқувчи иштирокида** кўриб чиқади *(бунда ўқувчи ўзининг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатиши шарт)*. Аризани кўриб чиқиш жараёнида ўқувчига ўрганиш учун унинг жавоблар варағи кўрсатилади ва тестда тушган саволлар китоби берилади. Ўқувчи Комиссия хулосасидан норози бўлса, **ваколатли давлат органи ёки судга** мурожаат қилиши мумкин.

Тест синовларини муваффақиятли топширган ўқувчи ички имтиҳондан ўтган ҳисобланади ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг рўйхатга олиш ва имтиҳон олиш бўлимлари ёки туманлараро рўйхатга олиш ва имтиҳон олиш бўлинмаларида имтиҳон топширишга қўйилади.

Низомда **Ўқувчига эслатма** келтирилган бўлиб, унда тест синовларини ўтказиш тартиби батафсил ёзилган.

**2011 йил 10 октябрдан кучга кирди.**

## ФҲДЁ УЧУН ҚОИДАЛАР

**Адлия вазирининг буйруғи (*АВ томонидан 2011 йил 30 сентябрда 2272-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Низом ФҲДЁ органлари фаолиятининг ташкилий асослари – уларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш кабиларни белгилайди.

Ҳужжат ФҲДЁ органлари раҳбарлари, инспекторлари ва архивариусларига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Чунончи, **Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, 25 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида 3 йиллик (шу жумладан ФҲДЁ органида камида 2 йиллик) иш стажига эга бўлган шахс ФҲДЁ органи раҳбари** бўлиши мумкин. Охирги иккита талаб адлия органларида ФҲДЁ органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаган (ишлаб келаётган) ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди. ФҲДЁ органи раҳбари лавозимига қўйиладиган талабга жавоб берадиган номзод топилмаса, Низомга кўра ушбу лавозимга **юридик мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотга ва ФҲДЁ органида камида 2 йиллик иш стажига эга бўлган шахс** тайинланишига йўл қўйилади. ФҲДЁ органининг **1-тоифали инспектори лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган, 2-тоифали инспектор ва архивариус лавозимига эса юридик мутахассислик бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар** тайинланиши мумкин.

Бундан ташқари, ФҲДЁ органлари **инспекторлари чиройли дастхатга эга бўлиши** лозим.

ФҲДЁ органлари раҳбарлари ва инспекторлари **тадбиркорлик ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият** *(илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари)* **билан шуғулланишга ҳақли эмас.**

Низомда шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш муносабати билан ходимга маълум бўлиб қолган ҳолатлар **хизмат сири ҳисобланиши ҳамда улар ошкор этилиши мумкин эмаслиги** белгилаб қўйилган.

**2011 йил 10 октябрдан кучга кирди.**

## ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Марказий банк бошқаруви қарори (*АВ томонидан 2011 йил 6 октябрда 1831-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага қўшимчалар киритилди.** Йўриқнома 2011 йил 24 августдаги ПФ–4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонига мувофиқлаштирилган.



Хусусан, Йўриқномага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий ҳисобрақами очилган банк (банк филиали) кассасига **ЭКИҲнинг 20 баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топширишларига** рухсат берувчи меъёр киритилган. Банклар (банк филиаллари)га эса миллий ва чет эл валюталаридаги нақд пуллар ҳамда бошқа қимматликларни **бевосита ўзлари ташишлари тақиқланган.**

**2011 йил 16 октябрдан кучга кирди.**

* * *

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг биргаликдаги қарори (*АВ томонидан 2011 йил 7 октябрда 2276-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) билан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сон рўйхатига (*ВМнинг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган*) ўзгартиришлар киритилди.**

Ҳужжатни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш оқибатида Рўйхатнинг II-VI қисмлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Рўйхатнинг VII ва VIII қисмлари янги таҳрирда баён этилган. Энди VII қисмда **ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари** *(илгари – маърифат ходимлари)*, VIII қисмда эса **ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари** *(илгари – тиббиёт ходимлари)* назарда тутилган.

**2011 йил 17 октябрдан кучга кирди.**

***2011 йил 1 октябрдан 7 октябргача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Абдураҳмон БАХТИЕВ ва «Norma Hamkor» МЧЖ юристи Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.***

1-бетда

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА НАЙРАНГБОЗЛАРИ



«Суюнчи» фильми қаҳрамонларидан бирининг ибораси билан айтганда бизнинг ўз товламачиларимиз бор. Тўғри, улар ҳозирча миллиард-миллиард доллар ёки евро билан найрангбозлик қилганликлари, кимларнидир чув туширганликлари билан мақтана олмайдилар. Аммо ёнгиналаридаги банкдан миллион-миллион сўмни осонгина ёнга уриб, чўнтакни қаппайтирганликлари бу борадаги жиноий қилмиш ўзига йўл очиб олиши учун дурустгина имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Чунончи, банклардан бирининг Навоий бўлинмасида ғирром, инсофсиз хизматчилар нари борса 1 йил ичида кредит муассасаси ва унинг мижозларини қарийб 90 млн сўмга «тушириб кетиш»нинг уддасидан чиқа олдилар.

Қаҳва тайёрлаб берадиган автоматлар ҳам борлигини биласиз. Энди бир тасаввур қилайлик: банкнинг пластик карточкалар бўлимига қаҳвачи автомат эмас, мўъжизакор банкомат ўрнатилган. Банкоматга карточкани шундоққина тиқиб, мижозларнинг – пластик карточкалар эгаларининг ҳисобварақларидан пулларни «соғиб олиш» мумкин. Эртакдаги Аловуддиннинг сеҳрли чироғига муқояса қилса бўладиган бундай банкомат мазкур банкнинг Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларидаги филиалларига ҳам ўрнатилган экан. Қизиғи шундаки, ундан асосан банк пластик карточкалари соҳасига мутасаддилик қилган ходимларнинг ўзлари фойдаланишган, улардан ҳеч бири мўъжизакор банкоматдан ўзидан бўлак фойдаланувчи борлигини билмаган ва табиийки, бўлимда шу нарса борлигини ҳамкасабаларига шипшитмаган ҳам. Улар эса ўз навбатида, ўзларини ҳеч нарса кўрмаган ва ҳеч нарса билмагандек тутишган.

Беш кишидан иборат бу ҳуққабозларнинг энг олдинги қаторида Навоий бўлинмасининг бош мутахассиси З.И. кўкрак кериб турганича бор. Пластик карточка билан боғлиқ «ғазна» тилсимининг кашшофи уми ёки бошқами, бир нарса дейиш қийин. Аммо энг катта «ўлжа»ни – 67,3 млн сўмдан ортиқ маблағни қўлга киритганлиги тайин. Эгаллаб турган лавозимига кўра тўлов терминалларини дастурлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, мижозларнинг ҳисобварақларини очиш ёки ёпиш, банкка арз билан мурожаат этган пластик карточка эгалари билан муаммони ҳал этиш унинг зиммасидаги вазифа эди.

Маълумотлар базасидан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга эканлиги, мижозлар ҳақидаги, шунингдек уларнинг электрон «ҳамёни»да нималар борлиги ҳақидаги барча маълумотлар ўз қўлида эканлиги боис бу аёл жоиз фоизлар ҳисоблаб чиқарилиб пластик карточкаларга ўтказилгач, бу карточкалардан озроқ миқдордаги суммани ҳисобдан чиқариб, пулларни ишлатилмаётган микропроцессор пластик карточкаларга ўтказиш ва ўзлаштиришга одатланган. Карточка эгалари буни пайқамаганликларини ҳам англаш қийин эмас. З.И. чиндан ҳам бу фаолиятни кенг йўлга қўйган. 2009 йилнинг сентябрь ойидан 2010 йилнинг августига қадар бўлган давр ичида 42 нафар мижоз 4,5 млн сўмдан ҳам кўпроқ маблағдан маҳрум этилган. 2009 йил октябридан 2010 йил августига қадар яна 966 киши у туфайли 35,8 млн сўмга яқин маблағдан бебаҳра қолганликларини сезишмаган.

Ҳақиқий «артист» сингари З.И. «гастроль» сафарларига чиқиб турган – Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларига борган. Қилмишини хаспўшлаш учун важ топиш ҳақида бош қотиришга ҳам ҳожат йўқ. Чунки хизмат сафари билан боғлиқ жиноий «ҳунари»ни у олтинпазлар шаҳридаги чакана савдо соҳасида ўрнатилган тўлов терминаллари иши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш ва мониторинг қилиш билан қўшиб олиб борган. Унинг бу борадаги тўқималарига машҳур кинодаги қаҳрамон – Штирлицнинг ўзи тан берган бўлур эди. Юқори ташкилотдан келаётган ходим маҳаллий банк мижозларининг электрон «ҳамёнлари»ни «тозалаш» учун келганлиги зарафшонлик банк хизматчиларининг етти ухлаб бир тушига кирмаган бўлса керак. Бунинг устига билибми-билмайми, маҳаллий банк ходимлари йўриқнома нормалари талабларини бузиш билан З.И.га жиноий ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бердилар.

– Вилоят марказидан келган вакил мижозлар томонидан ёпиқ ҳисобварақларга топширилган пластик карточкаларга маблағ ўтказилган-ўтказилмаганлигини текшириш учун назоратчи кассирнинг автоматлаштирилган иш ўрнини (АИЎ) хизмат карточкаси билан очиб беришимизни сўради, – деб тушунтириш берди банкнинг Зарафшон филиали назоратчи кассири Ю.Р. – Ўз хизмат карточкамни унга бермадим, аммо иштирокчи бухгалтер ва назоратчи кассир АИЎ дастурларини очиб беришимга тўғри келди.

Товуқхонага кириш учун тулкига жиндеккина туйнук кифоя дейишади. Халқимизда жон боқига жон борми деган нақл ҳам бор. Хуллас, найрангбоз учун уёғи одатдагидек иш – ҳаммаси силлиққина кетди. Учқудуқ шаҳрига қилинган хизмат сафари ҳам айни шу ўзанда ўтди ҳисоб. Натижада З.И. Зарафшонга қилинган сафардан 18,7 млн сўм, Учқудуқ шаҳрига қилинган сафардан 8,3 млн сўм ишлаб олди. Унинг ғайриқонуний фаолиятидан энг кўп жабр кўрган муассаса унинг ўзи ишлайдиган банк бўлди – аёл шу банкнинг жами 57 млн сўм маблағини ўзлаштириб олди.

Навоий бўлинмасининг яна бир бош мутахассиси А.Ш. ҳам З.И. қилаётган «ҳунар»га қўл урди. Пластик карточкаларни ҳам айни унга ўхшаш усул билан «тозалаш» йўлига ўтди. Аммо бу борада у барибир найрангбоз хонимга тенглаша олмади: «ўлжа»си аранг 12,8 млн сўмга борди.

Пластик карточкалар бўлими бошлиғи Е.Х. қаёққа қаради, кўз ўнгида банк ғазнасини ўмариш жараёни салкам конвейер усулида йўлга қўйилганлигини наҳотки сезмаган бўлса деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, бошлиқнинг ўзи ҳам гуноҳсиз эмас экан, ишлатилмаётган пластик карточкалардаги қолдиқ маблағлардан шахсий мақсадда фойдаланишдан тап тортмасди. Бир сафар у нақ 100 минг, бошқа сафар эса 60 минг сўмни ўзлаштирган. Аммо кейинчалик пулларни қайтарганлиги ҳам рост.

Навоий вилоятида банк «мўъжизалари» бу билан хотима топмади. Банкнинг пластик карточка бўлимлари ходимлари ғайб илмидан хабардор эмасмиканлар деган хаёлга ҳам боради киши. Агар олдиндан тил бириктиришмаган бўлса, у ҳолда Зарафшон филиали пластик карточкалар бўлимидаги мутахассислар Л.Ж., С.У. ва А.Е.лар минтақа марказидаги ҳамкасабаларининг жиноий қилмишларини айнан такрорлаб 8 млн сўмдан ҳам ортиқ маблағни ўзлаштирганликлари ғирт жумбоқдан бошқа нарса эмас.

Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди бу жумбоқ ечимини топиш ҳақида бош қотириб ўтирмади ва беш найрангбознинг ҳаммасига нисбатан Жиноят кодексининг 169 ва 205-моддаларида назарда тутилган жазо чораларини қўллашни суддан сўраган айблов тарафни қўллаб-қувватлади. Суд ҳукми билан З.И. 4 йилу 6 ойни умумий тартибли колонияда ўтказадиган бўлди. Айбланувчи эркакларнинг бироз бўлса-да, омади чопди: уларнинг ҳаммаси етказилган зарарларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаганликлари инобатга олиниб, уч йиллик аҳлоқ тузатиш ишларига жўнатилди. Уларнинг иш ҳақида 30 фоизи давлат даромадига ушлаб қолинадиган бўлди. Маҳкумларнинг ҳаммаси 2 йил мобайнида, З.И. эса уч йил мобайнида мамлакатимиз банк тизимида моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Бу жиноий воқеа кредит муассасалари ва банк хизматлари истеъмолчилари муносабатларининг анчагина қизиқ жиҳатини очиб берди. Мазкур жиноят ишида пластик карточка эгаларидан 15 нафари жабрланувчи сифатида иштирок этди. Улар пешона тери билан ишлаб топган пулларини қайтиб олиш-олмасликлари даргумон, негаки суднинг қарорига кўра улар кўрган талафот банк эмас, балки маҳкума З.И. томонидан қопланиши керак. З.И. кўрилган зарарларнинг тўлиқ қоплай олмади ва банкка мўмайгина миқдорда (37 млн сўмдан ортиқ) қарз бўлиб қолди.

Аслида бу ишда жабрланувчилар бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Улардан ҳеч бири илгари ҳуқуқ борасида камситилмаган, ўзини алданиб қолган деб ҳис этмаган ҳам. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари банк теграсида содир этилган қинғир ишларни фош этиш асносида юқорида айтилган жабрланувчилар юзага «қалқиб чиқдилар» ва ўз пулларининг тақдирига қизиқиб қолдилар.

– Пластик карточкамни Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаган кезларим, яъни 2001 йилда олганман, – дейди жабрланувчи Л.Б. – Энг охирги марта ундан 2002 йилда фойдаланганман, карточкамда қанча миқдорда пул қолганлигини билмайман. Мен қўшимча карточка очиш хусусида банкка ариза билан мурожаат этган ҳам, пулларни бошқа карточкага ўтказиш хусусида топшириқ берган ҳам эмасман.

Бошқа жабрланувчилар ҳам деярли шу гапларни айтишди. Уларнинг гапларидан шу нарса англашилдики, карточка очилганига кўп бўлган, унда қанча пул қолганини билишмайди, банк билан ҳеч қандай алоқа қилишмаган, банк ходимларига ариза ҳам, топшириқ ҳам беришмаган. Суддан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаб беришни сўрашган, холос. Эътиборли бир жиҳати бўлмаса, уларни гуруҳ бўлиб алданиб қолганлар сирасига киритса бўларди. Электрон «ҳамён»да, айтайлик, 100-200, нари борса 1 000 сўм қолган бўлса, бундай пластик карточкага беэътибор бўлиш ўз йўлига. Аммо юқорида зикр этилган воқеада гап унутиб юборилган ўн минглаб сўм маблағ ҳақида бормоқда. Ўша Л.Б. деган жабрланувчи тергов жараёнидагина карточкасида 2002 йилдан буён 180 минг сўм ётганлигини билиб олган. Жабрланувчилар бой-бадавлат ёки миллионер эмас, балки минтақанинг турли корхоналарида ишлаётган оддий фуқаролардир. Ҳаммаси ўз бепарволиги туфайли шу ҳолга тушган. Айтайлик, авточилангар Н.А. 130 минг сўм маблағи бўлган пластик карточкасини эсдан чиқариб юборган, электромонтёр М.К.ни фойдаланмай қўйган карточкасидаги 31 700 сўм пул 8 йилдан ҳам ортиқ муддат ичида тариқча ҳам қизиқтирмаган. Тегирмон машинисти А.Н. пластик карточкасида 201 885 сўм пул борлигини йиллар мобайнида ўйламаган.

Бу билан фирибгарликка қўл урганларни оқлаб бўлмайди, албатта. Лекин пластик карточка эгаларининг бепарволиги ишлатилмай қўйилган уларнинг ҳисобварақларидаги пуллари билан найрангбозлик қилишга туртки бўлган сабаблардан биридир. Улар ишлатилмаётган пластик карточка эгалари 8-9 йил ўтганлигига қарамай, электрон «ҳамён»даги пулга мутлақо қизиқмай қўйганликларидан хабар топадилару қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга тушадилар.

Бу воқеа банклар билан жисмоний шахслар ўртасидаги амалий шериклик муносабатларининг ҳамон норма даражасига келмаганлигининг яна бир тасдиғидир. Масалан, менинг банк билан тузган шартномамда пластик карточкада қолган пул маблағларига бирон-бир устама фоиз ҳисоблаб чиқарилиши назарда тутилмайди. Устига устак битимда башарти мен 30 кун мобайнида пластик карточкадан фойдаланмасам, банк карточкани нима учун ишлатмай қўйганлигим сабабини аниқлагунча пул маблағлари ҳаракатини тўхтатиб қўйишга ҳақли эканлиги айтилган. Юқорида зикр этилган воқеага чуқурроқ назар ташланса, банк мижозлари – пластик карточка эгаларига карточкада қолган пул маблағларига фоизлар ҳисоблаб чиқаравермаган, аммо мижозлар бундай «мукофот пули»дан умуман хабардор ё хабардормаслиги хусусида бир нарса деб бўлмайди.

Ниҳоят, юқорида сўз юритилган кўнгилсиз воқеа банк жабҳасидаги ритейл ўз тараққиётининг бошланғич босқичида эканлигига ва кредит муассасаларининг бу соҳадаги иши аҳоли маблағларини депозитларга жалб этиш билан чекланиб қолаётганлигига ишонч ҳосил қилишнинг яна бир имкониятидир. Бинобарин, банкларимиз томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўпинча тавсия этилаётган омонат турлари рўйхатидан нарига ўтмайди. Ҳамонки банкларнинг чакана бизнеси халқаро стандартлар даражасига кўтарилмаган экан, нақд пул маблағларини кредит муассасаларига жалб этилиши учун масъуллик аввалгидек солиқ органлари зиммасида қолаверади.

***Амир МАҲМУДОВ,***
***ўз мухбиримиз.***
***Навоий шаҳри.***

ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР • ЭЪЛОНЛАР

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

**БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ**

Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Текширувга тайёргарлик.
Тел.: (+99890) 319-62-37.

Ҳисобот даври яқинлашмоқда! Ҳисоботларни тайёрлаш. Тўғри тузиш. Мақбул муддатлар.
Тел. (+99890) 319-62-37.

**ХИЗМАТЛАР**

Тез ва сифатли. Лазерли принтерлар ва ксероксларни жойига чиқиш билан таъмирлаш ва тўлдириш.
Тел. 370-15-12.

Принтерлар ва ксероксларни юқори малакали таъмирлаш ва тўлдириш.
Тел. 157-31-19.

Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

***Хизматлар лицензияланган.**


**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | ОКПО | Қарор рақами |
|---|---|---|---|
| "ODIL-HAMIDA" ХФ | 200986889 | 15353069 | 10-1104/14387 |
| "OZOD-SAVDO" МЧЖ | 203118041 | 17512557 | 10-1104/14392 |
| "KOMOL-FERUZA" ХК | 203513191 | 17987507 | 10-1104/14388 |
| "PAYVANDLASH-ELEKTRODI" МЧЖ | 203780749 | 18307495 | 10-1104/14393 |
| "TA'MIR TEZKOR QURILISH" MCHJ | 205743016 | 20297373 | 10-1104/14394 |
| "RENTPROMSTROYSERVIS" MCHJ | 205616781 | 20154165 | 10-1104/14378 |
| "GANJ LYUKS" MCHJ | 205664146 | 20225095 | 10-1104/14369 |
| "UNREAL-EXKLUSIVE" ХК | 205916986 | 20470618 | 10-1104/14381 |
| "PARI-BEGIM" ХК | 300064126 | 21462638 | 10-1104/14374 |
| "FARS KERAMIKA" ХОРИЖИЙ КОРХ. | 206848532 | 21563977 | 10-1104/14377 |
| "MA'RUF-BROK SERVIS" MCHJ | 300563257 | 22100400 | 10-1104/14402 |
| "DILAK MARKET" MCHJ | 205994661 | 20537127 | 10-1104/14364 |
| "DJURAEV BAXTIYOR NURALIEVICH" | 300931004 | 22526151 | 10-1104/14365 |
| "DJASMINA-RA'NO" MCHJ | 300693737 | 22220736 | 10-1104/14373 |
| "ANORA-TREC" МЧЖ | 206830517 | 0 | 10-1104/14384 |
| "BESTIN-GLOBO SERVIS" MCHJ | 300361137 | 21558479 | 10-1104/14395 |
| "RUS-BOGATIR-SERVIS" МЧЖ | 300405199 | 21558775 | 10-1104/14382 |
| "GEGEMON SOLUTIONS" MCHJ | 300610862 | 22101470 | 10-1104/14366 |
| "MANDARIN LUX TREDING" MCHJ | 300573767 | 22100653 | 10-1104/14403 |
| "OTAQUL OIL" ХК | 300627935 | 22101871 | 10-1104/14370 |
| "ROYAL TOOS" МЧЖ | 300020821 | 21465890 | 10-1104/14397 |
| "NTLEKT-O'QUV-MARKAZI" ШК | 203823075 | 18309985 | 10-1104/14371 |
| "AGNI-STAR PLUS" MCHJ | 300725022 | 22221167 | 10-1104/14385 |
| "MEDIAPROMDIZAYN" MCHJ | 300758567 | 22255657 | 10-1104/14398 |
| "BEKDIL AGRO VET" MCHJ | 300896095 | 22525329 | 10-1104/14399 |
| "GAUDI DECOR" MCHJ | 300865695 | 22430571 | 10-1104/14368 |
| "DEALER-BUSINESS" ХК | 300867843 | 22430675 | 10-1104/14375 |
| "AVTOKREDIT EXPO SERVISE" MCHJ | 300921340 | 22525950 | 10-1104/14400 |
| "ELEGANT GURMAN" MCHJ | 300930876 | 22526145 | 10-1104/14376 |
| "DOFF-MAX-SERVICE" MCHJ | 300940334 | 22535339 | 10-1104/14386 |
| "SKAY STAR LUX" MCHJ | 301020195 | 22625338 | 10-1104/14361 |
| "HAPPY KANGAROO" MCHJ | 301130289 | 22675170 | 10-1104/14372 |
| "ANB FOOD" MCHJ | 301166339 | 22745611 | 10-1104/14362 |
| "AHMIR SAVDO PLUS" MCHJ | 301252682 | 22776923 | 10-1104/14363 |
| "ALL IS WELL LINKS" MCHJ | 301263297 | 22777091 | 10-1104/14367 |
| "OTASH BUILDING" MCHJ | 301302216 | 22885944 | 10-1104/14389 |
| "MINAS PLUS" MCHJ | 301318052 | 22956360 | 10-1104/14391 |
| "PLATINUM-QUADRO" MCHJ | 301319430 | 22956395 | 10-1104/14383 |
| "EZOTECH" MCHJ | 301377424 | 23023647 | 10-1104/14396 |
| "TOIF BARAKA SAVDO" | 301483356 | 23174406 | 10-1104/14401 |
| "MEXR ILA BIZNES" MCHJ | 301543264 | 23210378 | 10-1104/14379 |
| "DIYOR-ELITETEKS" MCHJ | 301654450 | 23330639 | 10-1104/14390 |
| "PRIME TRADE" MCHJ | 301676012 | 23331171 | 10-1104/14404 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 12 октябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "JAMOL K-SH-A SAVDO" ХК | 10-1108/16642 |
| "LYUD-MEAL ELITE" МЧЖ | 10-1108/16643 |
| "FREGAT-AVATAR" ШК | 10-1108/16644 |
| "ABU SOBIR SERVIS" ХФ | 10-1108/16639 |
| "FOCUS-MEDIA" МЧЖ | 10-1108/16647 |
| "TDFERRUM PLUS" МЧЖ | 10-1108/16640 |
| "REAL TRADER-TERRA" МЧЖ | 10-1108/16641 |
| "NUR-XAMIDULLO" МЧЖ | 10-1108/16638 |
| "TSM ZAPCHAST-SERVIS" ШК | 10-1108/16645 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти биноси, 32-34-хонада қабул қилинади.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 12 октябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "TEMUR FAYZLI SAVDO" ХК | 10-1108/16757-т |
| "JAYHUNFOOD" МЧЖ | 10-1108/16758-т |
| "SHAVQIY-SHOSHIY" ХК | 10-1108/16759-т |
| "MEGA ELEKTROD" МЧЖ | 10-1108/16760-т |
| "OMNI SYSTEM" МЧЖ | 10-1108/16761-т |
| "LYUKS A'LO SERVIS" ХК | 10-1108/16762-т |
| "DILAY GROUP" МЧЖ | 10-1108/16763-т |
| "BOBIR-AZIZXON" МЧЖ | 10-1108/16764-т |
| "PILLULA FARM" МЧЖ | 10-1108/16765-т |
| "OXY ALBA" МЧЖ | 10-1108/16766-т |
| "FERIDE-XONIM" МЧЖ | 10-1108/16767-т |
| "ANUSh" ХК | 10-1108/16769-т |
| "TERASUS BUILDING" МЧЖ | 10-1108/16770-т |
| "SORTEANO STROY INVEST" МЧЖ | 10-1108/16771-т |
| "MARKU-VZOR" МЧЖ | 10-1108/16772-т |
| "ASIA FAVORITE GROUP" МЧЖ | 10-1108/16773-т |
| "LUKSUR" МЧЖ | 10-1108/16774-т |
| "SPORT EKSKLYUZIV" МЧЖ | 10-1108/16775-т |
| "ABU-SAYYOH MEGA TOUR" МЧЖ | 10-1108/16776-т |
| "DILIJANS MEGA GROUP" МЧЖ | 10-1108/16777-т |
| "MUXAMMADLAZIZ-SAVDO" ХК | 10-1108/16778-т |
| "XOLDOR PARVOZ" ХК | 10-1108/16779-т |
| "KO'HINUR FAN" ХК | 10-1108/16780-т |

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамғалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Олмазор туманидаги банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Тугатиш бошқарувчиси |
|---|---|---|
| "Baxt Amet Servis" | 10-1107/14508 | Б.Хаитбоев |
| "Profi Plast Invest Plus" | 10-1107/14483 | У.Исроилова |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Олмазор туман ДСИ ходимлари тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 111-хонага билдиришлари мумкин.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Beshik Sarposi" MCHJ | 10-1110/16914 |
| "Exad Lancer" MCHJ | 10-1119/16742 |
| "Elektro Jixoz Nur Savdo" MCHJ | 10-1119/16732 |
| "Meridian Art" MCHJ | 10-1119/16735 |
| "Paynet Lyuks" MCHJ | 10-1119/16734 |
| "Perfekt magnys" MCHJ | 10-1119/16733 |
| "Efendi biznecc" MCHJ | 10-1119/16741 |
| "Labbay Telekom" MCHJ | 10-1119/16740 |
| "Original Plastik" MCHJ | 10-1119/16739 |
| "Graf-Mobayl" MCHJ | 10-1119/16738 |
| "Inter Klass Biznecc" MCHJ | 10-1119/16731 |
| "Agro Produkt" MCHJ | 10-1119/16730 |
| "Jaxongir Dilshod Nur" MCHJ | 10-1119/16737 |
| "Sardor Lutfullox" MCHJ | 10-1119/16736 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари Д.Ишметов ва А.Қодиров тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хона.

Тел. 241-30-86.


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*
*Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*


*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*


Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1277 Адади 3900. Баҳоси келишилган нархда
**Газета 2011 йил 24 октябрда соат 15.00 да топширилди.**
ISSN 2010-5223